

# MChJ «KORIFEY-AUDIT» auditorlik tashkiloti

O'zbekiston Respublikasi, 100135, Toshkent shh., Bunedkor ko'chasi, 52-A uy, tel.:2767557, faks:2769776, e-mail: [korifey\\_aft@mail.ru](mailto:korifey_aft@mail.ru)

**«Шовот дон махсулотлари» очик акциядорлик жамиятининг 2015 йил молиявий хўжалик фаолияти ва молиявий ҳисоботининг ҳаққонийлиги бўйича ўтказилган аудиторлик текширувнинг**

## ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

MChJ «KORIFEY-AUDIT» auditorlik tashkiloti Манзил: 100135, Тошкент шаҳри Бунёдкор кўчаси 52А уй, телефон: (0-371) 276-75-57, факс: (0-371) 276-97-76 Ҳисоб рақами: 20208000604131303001 Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки Тошкент шаҳар Бош Бошқармаси қошидаги Амалиёт бошқармаси МФО 00451 СТИР 203667490 ХХТУТ 84400 Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2013 йил 10 июнда № 669 сон билан рўйхатга олинган Гувохнома Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2008 йил 6 февралда берилган 00199 сонли лицензияси, ДСК «GRANT INSURANCE GROUP» суғурта компанияси томонидан 29 апрел 2015 йилда берилган № GIG 004749 ва 27 май 2015 йилда берилган GIG 005935 суғурта полислари, «Кафолат» суғурта компанияси томонидан 23 июл 2015 йилда берилган № 0146945 суғурта полис.

«Шовот дон махсулотлари» ОАЖ Манзили: Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти Шовот тумани Маданият кўчаси 3-уй, телефон: 8-362-34-51-060, Ҳисоб рақами: 20208000200232737001 АТБ Агробанк Шовот филиали МФО 00567, СТИР 201157842, ХХТУТ 19211.

Мен MChJ «KORIFEY-AUDIT» auditorlik tashkiloti томонидан аудитор Досмухамедова Дильбар Рафкатовна (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2015 йил 07-ноябрда берилган 05346-сонли сертификати) томонидан «Шовот дон махсулотлари» ОАЖ билан 2016 йилнинг 22 январда тузилган № 07/16 сонли шартномага асосан жамиятнинг 2015 йилнинг 1 январидан 2015 йилнинг 31 декабригача бўлган давр учун молиявий ҳисоботи текширилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМС га мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларига эга эмаслигини етарлича ишонч билан таъминланишимиз кераклигини таъқозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийлигини ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотларининг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баъҳолашга асосланади. Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.


Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи «Шовот дон махсулотлари» ОАЖ нинг 2015 йил молиявий ҳисоботи («Бухгалтерия баланси» Ф№1, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» Ф№2, «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» Ф№ 4, «Хусусий капиталлар тўғрисидаги ҳисобот») унинг молиявий аҳолини ҳаққоний ақс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

MChJ «KORIFEY-AUDIT»

auditorlik tashkiloti

Бош директори : -

Аудитор:-



В.К.Киреева.

Д.Р.Досмухамедова.

2016 йил « 2 » март

М.У